

ОНА ТИЛИДАН ТАЪЛИМ МОДЕЛЛАРИ ВА ДАРС ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ

Ризаева Мафтуна Холмурод қизи,

Навоий давлат педагогика

университети тадқиқотчиси

ПРОЕКТИРОВАНИЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ МОДЕЛЕЙ И УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА НА ОСНОВЕ РОДНОГО ЯЗЫКА

Ризаева Мафтуна Холмурод қизи,

Научный сотрудник

Навоийского государственного

педагогического университета

DESIGNING EDUCATIONAL MODELS AND LESSON PROCESS FROM THE NATIVE LANGUAGE

Rizaeva Maftuna Kholmurod kizi,

Navoi state pedagogy

University researcher



e-mail:

rizayevam@gmail.com

orcid.org/0009-0005-4255-8672

Аннотация: Мақолада она тили таълим моделлари ва дарс жараёнини лойиҳалашга доир таклиф-тавсия ва ёндашувлар баён қилинган, шунингдек, она тилида нутқий компетенцияни ривожлантириш методлари, ечимлари ҳақида фикр юритилган.

Калим сўзлар: лойиҳалаш, кўникма ва малака, метод, усул, технология, компетенция, баҳолаш, аниқлаш, қўллаш.

Аннотация: В статье описываются предложения-рекомендации и подходы к проектированию образовательных моделей родного языка и процесса уроков, а также размышляются о методах, решениях для развития речевой компетенции на родном языке.

Ключевые слова: проектирование, навыки и компетенции, методика, метод, технология, компетентность, оценка, идентификация, применение.

Annotation: The article describes the proposal-recommendations and approaches to the design of the educational models of the native language and the dar process, and also reflects on the methods, solutions for the development of speech competency in the native language.

Key words: design, skills and competencies, method, method, technology, competence, assessment, identification, application.

Кириш

Педагогик технологиянинг марказий муаммоси ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат. Педагогик технологияда таълим мақсадининг аниқ шаклланганлиги, таълимнинг маҳсулдорлиги, тескари алоқа мавжудлиги, кафолатланган якуний натижа каби тамойилларга асосланилади. Таълимни

компьютерлаштириш жараёнида ўқувчи фаолиятини моделлаштиришда ҳам шу ғояга асосан иш тутиш лозим.

Ижодий таълим ўқувчи интеллектуал салоҳиятини индивидуал ривожлантириш, ҳар бир ўқувчига унинг ўзига хос хусусиятлари асосида ёндашиш учун кенг имкониятга эга. Унда ўқувчи ўзига хос суръат, мотив, фикрлаш йўли билан ўқув материални ўзлаштиради.

Ижодий таълимнинг ўзига хос хусусиятларига кўра ўқитувчининг роли ўзгаради, асосий вазифа ўқувчилар шахсини ривожлантириш, уларни ижодий изланишга йўналтириш ва бу соҳада уларга кўмаклашиш ҳамда ижодий ишлашларини ташкил қилишдан иборат бўлади.

Адабиётлар таҳлили ва методологияси

Таъкидлаш ўринлики, глобаллашув шароитида тил ўрганишга бўлган эҳтиёж инсон фаолиятининг турли соҳаларида ўзини намоён этмоқда. Она тилининг грамматик тизими ва ундан олинган қисмларни таққослаш тил таркибидаги ҳодисаларни грамматик жиҳатдан тартибга солади. Кўпгина тадқиқотчилар тилларни қиёсий ўрганиш муаммосига турлича ёндашдилар. Хусусан, В.А.Корневнинг ёзишича, “барча даражаларда алоқада бўлган тилларнинг ўхшашлиги ва фарқларини: фонологик, лексик, морфологик ва синтактик жиҳатдан тўлиқ ўрнатиш зарур. Таққослаш “шакл”дан (семасиологик ёндашув) ва “таркиб”дан (ономасиологик ёндашув) амалга оширилиши мумкин”¹.

Тилшунос олим Н.Маҳмудовнинг бу борадаги фикрлари ҳам шу жиҳатдан эътиборлидир: “Таълим жараёнида ўқувчининг идрок даражасини эътиборга олган ҳолда, элементар тарзда бўлса-да, стилистик маълумотларга эътиборни мунтазам қаратиб бориш мақсадга мувофиқдир. ... Хорижий тил таълимнинг қайси босқичида ўрганилишидан қатъи назар муайян натижага эришиш учун она тили ва ўрганилаётган тилнинг қиёсий стилистикаси ҳақида маълумотларнинг аҳамияти улкандир”².

Л.В.Щербанинг эътироф этишича, “интерференция жараёнининг моҳияти лингвистик жиҳатдан маърузачи ва тингловчи тилининг ўзаро мослашуви ва алоқада бўлган тиллар нормаларининг мос равишда ўзгариши билан белгиланади”³.

С.П.Розанованинг таъкидлашича, “она тилига хос хусусиятларнинг узатилиши салбий

(онгсиз, ўз-ўзидан) бўлиши мумкин, бу эса хатолар пайдо бўлишига олиб келади ва ижобий (онгли, мақсадга мувофиқ). Таққослаш лингвистикаси элементларидан фойдаланган ҳолда чет тилини ўқитиш методикаси асосида айнан ижобий томонга ўтиш имконияти ётади”⁴.

Ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ижодий таълимни йўлга қўйиш ва таълим тизимига кенг жорий қилиш натижасида ўқитувчининг таълим жараёнидаги ўрни ва унинг олдида турган вазифалар ўзгаради: ўқитувчининг вазифаси - ўқувчиларни мустақил равишда ўз мақсадларини амалга ошириш режасини тузишга одатлантириш, уларни амалга оширишга ўргатишдан иборат бўлади.

Табиат, жамият ва онг ҳодисаларини ўрганишда инсоннинг фаоллиги етакчи тамойиллардан бири сифатида даставвал фалсафада асосланган эди. Инсоннинг билиши субъект ва объект муносабатида амал қилиб, ўзаро таъсирнинг яхлит тизим сифатида шаклланишига олиб келади. Моддий нарсалар инсон фаолияти таъсири доирасига киргач, билиш объектига айланади. Ўз навбатида билиш объектига айланган нарса, ҳодисалар мураккаблиги, қийинлиги, нотанишлиги, фаолиятда бажарадиган иши жиҳатдан инсонга акс таъсир қилади. Субъектнинг объектга, объектнинг субъектга таъсири ўзаро таъсирни юзага келтиради. “... бинобарин, билиш жараёнида субъект ва объект муносабати бир томонлама таъсир бўлмай, аксинча улар ўртасидаги диалектик ўзаро таъсирдир. Уларнинг бир-бирига таъсири асосида инсоннинг ижтимоий-тарихий амалиёти ётади”.

Фалсафий асарларда инсон фаолиятининг предметлиги – предметларга йўналганлиги ва субъектлиги – билиш жараёнида унинг фаоллиги ўзаро алоқадор ҳодисалар сифатида ажратилади.

Фан асосларини ўқувчиларга етказиш учун ўрганилаётган ўқув материалига дидактик

¹ Корнев В.А. Сопоставительная семантика и проблема межъязыковой интерференции. // Языковая семантика и образ мира. – Казань. 1997. Т.1. –С. 82-84.

² Mahmudov N. Til ta'limi va stilistika // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2009. – № 1. – В. 3-9.

³ Щерба Л.В. Грамматика русского языка: Часть I фонетика и морфология. –Москва. Книга по Требованию, 2014. –210 с.

⁴ Аркадьева Э.В и.др. Обстоятельные отношения в русском языке в сопоставлении с французским. Для говорящих на французском языке. Русский язык. –Москва: Под ред. З. И. Сироткиной, 1989. – 45 с.

ишлов берилади, яъни ўқув материалнинг ўқув элементлари ажратилади, уларга доир топшириқлар ишлаб чиқилади, ўқув саволлари тузилади, ўқув кўргазмалари тайёрланади ҳамда уларни ўрганиш кетма-кетлиги белгиланади[126]. Бу ишлар таълимнинг изоҳли-кўргазмали, муаммоли, топширикли, табақалашган, дастурлаштирилган, алгоритмлаштирилган каби турларининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Таълим турларининг ҳар бири эса қандайдир моделга эга. Таълимни ўқитувчи нуқтаи назаридан ҳам, ўқувчи жиҳатидан ҳам, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг ўзаро таъсирига кўра ҳам тасаввур этиш мумкин. Таълимни айнан иштирокчилари жиҳатдан тасаввур этиш йўли билан таълим моделлари ажратилади. Таълим турлари таълим моделларига кўра белгиланади. Ижодий таълимни ўқитиш ва ўқиш фаолиятига кўра тасаввур этишда таълим жараёнининг воситаси, ўқувчи ёки ўқувчилар жамоаси шу жараённинг субъекти, ижодий таълим предмети сифатида қаралади[20]. Таълимни лойиҳалаштиришга бундай нуқтаи назардан ёндашилганда таълимнинг қандай моделларидан фойдаланиш қулай ёки моделларнинг қайси босқичларини лойиҳалаштириш имкониятлари кенгроқ деган савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш учун таълим моделлари мазмунини кўриб чиқамиз.

Таълим моделлари мазмуни дидактик адабиётларда етарлича баён қилинган. Амалиётда кўп ишлатиладиган модел **изоҳли-кўргазмали таълим**дир. Ўқув материални ўзлаштиришнинг бу моделида билимларни тайёр ҳолда ўрганиш ғояси ётади. Унинг модели қуйидаги кўринишга эга: ўқувчиларни ахборотни ўрганишга тайёрлаш; билимларни баён қилиш; маълумотларни турли топшириқларни бажариш ёрдамида мустаҳкамлаш.

Дастурлаштирилган таълимда ўқувчилар ўқув материалдаги бир ўқув элементини ўрганишга тайёрланади; билимлар баён қилинади; билимлар мустаҳкамланади; билимлар назорат қилинади ва шу жараён ҳар бир ўқув элементи учун такрорланади[177].

Муаммоли таълимда ўқувчилар онгида муаммоли ҳолат яратилади; муаммони ҳал қилиш йўллари изланади; танланган усул муаммони ҳал қилишга татбиқ этилади;

бажарилган муаммо бўйича хулосалар чиқарилади; хулосалар амалиётга татбиқ этилиб, билимлар мустаҳкамланади.

Топширикли таълим ҳам муаммоли таълимга кўп жиҳатлари билан яқин бўлиб, унда ўқув материали топшириқлар тизими шаклига келтирилади; топшириқлар тизими бажартирилади; бажарилган топшириқлардан хулосалар чиқарилади; хулосалар турли ўқув шароитларига татбиқ этилади. Таълим самарадорлиги дарсни қандай модель асосида ташкил қилишга, унинг қонуниятларига қатъий амал қилинишига боғлиқ. У ўқув материалнинг хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади. Бироқ таълим жараёнини компьютер ёрдамида амалга ошириш дарсларни умумийроқ модель асосида ташкил қилишни тақозо этади.

Хулоса.

Муаммоли таълимнинг камчилиги шундаки, муаммони ечиш жараёнида фақат ўқитувчи таклиф этган ечим вариантлари билан чекланилади. Ўқувчиларнинг муаммони ечишнинг ажралиб турадиган “ажойиб” йўллари синф ўқувчилари орасида муҳокама қилинмайди. Кўрилган ҳар бир моделнинг маълум ижобий ва салбий томонлари бор. Уларни тўлиқ таҳлил қилган ҳолда топширикли таълимни таълим жараёнини компьютерлаштиришдаги етакчи модель деб олишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Ваҳоланки, ижодий таълимда таълим моделларидан ҳар бирининг ижобий элементлари олинадиган ва улар уйғунлаштирилган ҳолда жараён ташкил этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Корнев В.А. Сопоставительная семантика и проблема межъязыковой интерференции. // Языковая семантика и образ мира. – Казань. 1997. Т.1. –С. 82-84.
2. Mahmudov N. Til ta'limi va stilistika // Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2009. – №1. – В. 3-9.
3. Щерба Л.В. Грамматика русского языка: Часть I фонетика и морфология. –Москва. Книга по Требованию, 2014. –210 с.
4. Аркадьева Э.В и.др. Обстоятельные отношения в русском языке в сопоставлении с французским. Для говорящих на французском языке. Русский язык. –Москва: Под ред. З. И. Сироткиной, 1989. – 45 с.